**ШАРТНОМА № 04/22-4**

**Нурафшон шахар** **2022 йил “25”апрель**

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган **ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ** номидан Низом асосида иш кўрувчи М.Мирсултонов бир томондан ва кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб юритиладиган **ООО “USTA PROFIL MDF MASTER”** номидан Низом асосида иш кўрувчи Ж. Низамов иккинчи томондан мазкур шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. Шартнома предмети

1. Етказиб берувчи мазкур шартноманинг 1-иловасида келтирилган техник шартларга мувофиқ Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар етказиб бериш (кейинги ўринларда – ишларни бажариш) мажбуриятларини, Буюртмачи эса етказиб берувчига етказилган совғаларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича тавар қиймати

2.1. Мазкур шартноманинг 1 -иловасига мувофиқ Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар, энг яхши таклифларни танлаш савдоси натижасида аниқланиб, Харид комиссиясининг қарори (2022 йил 21 апрель “69507”-сонли баённома) билан тасдиқланган Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар жами қиймати 184 726 000(бир юз саксон тўрт миллион етти юз йигирма олти минг ) сўмни ташкил этади.

2.2. Етказиб берилган Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Етказиб берилган совгалар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Етказиб берилган совғалар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Етказиб берилган тавар бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.3. Етказиб берилган тавар муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Етказиб берувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. Етказиб берувчи нинг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган таварларни етказиб бериш учун ушбу шартномада назарда тутилган дастлабки тўлов амалга оширилган санадан бошлаб 5 (беш) иш кунида Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар етказиб беришни ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан етказиш ҳамда махсулотларни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар етказиш вақтида, махсулотга зарар етмаслик чора тадбирларини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 Етказиб берувчи мазкур шартнома бўйича барча махсулотларни уз вактида етказиб бериши топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. Етказиб берувчи нинг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани шартларини бажариш учун Буюртмачи:

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган Етказиб берувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Етказиб берувчидан махсулотни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Етказиб берувчи нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

ушбу шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни ҳақини Етказиб берувчи га тўлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. Етказиб берувчи муддатлари

5.1. Мазкур шартнома ғазначилик органида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар, бироқ тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

5.2. Етказиб берувчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

## VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. Буюртмачи Етказиб берувчига шартнома буйича махсулотнинг умумий, шартномавий-жорий кийматининг 30 фоизи 55 417 800 сўм микдорида маблағни олдиндан ўтказиб беради.

6.2. Шартнома бўйича ишларни бажаришнинг умумий қийматининг 70 фоизи 129 308 200 сўм тўлов Буюртмачи ва Етказиб берувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан кейин 10 (ўн) кун ичида амалга оширади.

6.3. Етказиб берувчи Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Куйичирчик етакчилар тадбири учун совгалар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Етказиб берувчининг зиммасида бўлади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Етказиб берувчи томонидан етказилган махсулот учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VII. Етказиб беруш

7.1. Агар Буюртмачи Етказиб берувчи томонидан товар (хизмат)ларнинг сифатсизлигини аниқласа, у ҳолда Етказиб берувчи товар (хизмат)ларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта етказиб беришга мажбурдир.

7.3. Агар Етказиб берувчи сифатсиз товар (хизмат)ларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Етказиб берувчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.4. Етказиб берувчи Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Етказиб берувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## IX. Шартномани бекор қилиш

9.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин товар(хизмат)ларнинг келиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Етказиб берувчи томонидан 5 (беш) кундан кўп вақтга кечиктирилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Етказиб берувчи:

Товар(хизмат)лар Етказиб берувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Етказиб берувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ишларни 5 (беш) кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи етказилган махсулт қийматини Етказиб берувчига тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

9.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## X. Низоларни ҳал этиш тартиби

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарнинг юридик манзили бўйича иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XI. Алоҳида шартлар

11.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Буюртмачи билан Етказиб берувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

11.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

**Буюртмачи:**

Ёшлар ишлар Агентлиги
Тошкент вилояти бошқарма
Нурафшон шахар
23402000300100001010
401021860244014049996225001
ИНН: 201122919 207324017
М.Б. Тош.ш. Б.Б. ХККМ
МФО 0001
Раҳбар М.Мирсултова

**Етказиб берувчи:**

**"Usta profil mdf master"" MCHJ**
Адрес:Чиланзарский район.Чиланзар 4
ИНН:309132668 МФО:00401
р/с:20208000805477244001
Банк:Алокабанк тошкент шахар

Рахбар: Ж.Низамов

Юрист Н.Шайимова

**“USTA PROFIL MDF MASTER”MCHJ** ва
**TOSHKENT VILOYATI YOSHLAR ISHLARI**
**AGENTLIGI** ўртасида 25.04.2022йилда тузилган
№04/22-4 шартномага 1 илова

**“USTA PROFIL MDF MASTER”MCHJ** ва **TOSHKENT VILOYATI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI** ўртасида 25.04.2022йилда тузилган №04/22-4 шартномага 1 илова

| Т/р | Махсулот хизмат номи | Ед.изм | сони | нархи | сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Китоблар жамланмаси | комп | 90 | 50000 | 4 500 000 |
| 2 | Футбол формаси | дона | 8 | 150000 | 1 200 000 |
| 3 | Рубоб | дона | 1 | 1000000 | 1 000 000 |
| 4 | Дутор | дона | 3 | 1000000 | 3 000 000 |
| 5 | Доира | дона | 3 | 500000 | 1 500 000 |
| 6 | Футбол тўпи | дона | 8 | 150000 | 1 200 000 |
| 7 | Пылесос | дона | 8 | 1909500 | 15 276 000 |
| 8 | Дазмол | дона | 8 | 350000 | 2 800 000 |
| 9 | Микратолқинли печ | дона | 8 | 900000 | 7 200 000 |
| 10 | Планшет | дона | 6 | 3000000 | 18 000 000 |
| 11 | Ноутбук | дона | 6 | 6000000 | 36 000 000 |
| 12 | Телефон (смартфон) | дона | 11 | 3050000 | 33 550 000 |
| 13 | Компьютер жамланмаси | комп | 3 | 3000000 | 9 000 000 |
| 14 | Телевизор | дона | 13 | 3000000 | 39 000 000 |
| 15 | Велосипед | дона | 5 | 2300000 | 11 500 000 |
| Итого: | | | | | 184 726 000.00 |

**Буюртмачи:**
**Ёшлар ишлари агентлиги**

М.Мирсултонов

**Етказиб берувчи:**
**“Usta profil mdf master”” MCHJ**

Ж.Низамов

Юрист Н.Шаймова

4612091

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"USTA PROFIL MDF MASTER" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"USTA PROFIL MDF MASTER" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

19.12.2021 1075140 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309132668

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Izza ko'chasi, 11/2-y,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
NIZAMOV

ISMI
JAMSHID

JINSI
ERKAK

OTASINING ISMI
SHUXRATOVICH

TUG'ILGAN SANASI
19 05 1991

TUG'ILGAN JOYI
O'RTACHIRCHIQ TUMANI

MILLATI
O'ZBEK

KIM TOMONIDAN BERILGAN
TOSHKENT VILOYATI
O'RTACHIRCHIQ TUMANI IIB

SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT

| TURI / TYPE | DAVLAT KODI / COUNTRY CODE | PASPORT RAQAMI / PASSPORT No. |
|---|---|---|
| P | UZB | AA3445826 |



FAMILIYASI / SURNAME
NIZAMOV

ISMI / GIVEN NAMES
JAMSHID

FUQAROLIGI / NATIONALITY
UZBEKISTAN

TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH
19 05 1991

JINSI / SEX
M

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH
TASHKENT REGION

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE
27 11 2013

PERSONALLASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION CENTRE

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY
26 11 2023

UZB

P<UZBNIZAMOV<<JAMSHID<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<

AA34458266UZB9105193M2311263319059105800814 4

YASHASH JOYI / ADDRESS

YASHASH JOYI / ADDRESS

Toshkent viloyati O'rtachirchiq tumani IIB

DOIMIY PROPISKA QILINDI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI